

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, ижодий ва интеллектуал салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намоён этиб, ҳалол ва самарали меҳнати, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан юртимиз тараққиётига, унинг халқаро обрў-эътиборини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, она Ватанимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келатган куйидаги ташаббускор ва етакчи ёшлар “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотлансин:

Абдиганиева Надира Абдиназар қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти, Қорақалпоғистон Республикаси
Исмоилов Жамшидбек Рашид ўғли — Тўртқўл туманидаги “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Иброҳимова Райёна Нодирбек қизи — Андижон шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, Андижон вилояти
Режавалиев Жамшидбек Жасурбек ўғли — Андижон шаҳридаги “Wester Group RJ” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти
Дехқонова Рухшона Шухрат қизи — Бухоро давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси, Бухоро вилояти
Туксанов Парвиз Абдурахимович — Бухоро шаҳридаги “Phoenix Academy” ўқув марказининг SAT имтиҳони бўйича тайёрловчи-мутахассиси, Бухоро вилояти

Адилова Фарзона Алишер қизи — Жиззах шаҳри ёшлар ишлари бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти
Турдибоев Акбар Иқром ўғли — Дўстлик туманидаги “Wegroww Tech” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Жиззах вилояти
Жалилов Абдиқаримбек Абдихалил ўғли — “Шўртган газ кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳалар офиси гуруҳи мутахассиси, Қашқадарё вилояти

Ходиева Ситора Шоҳаббос қизи — Қарши давлат техника университетининг таянч докторанти, Қашқадарё вилояти
Аслонов Аброр Бурхонович — “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш цехи смена катта устаси, Навоий вилояти

Максимова Алина Хуршидовна — Навоий шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, Навоий вилояти
Ахмадалиева Ниҳолаҳон Фозилжон қизи — Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро молия кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мамадалиев Захириддин Сайфиддин ўғли — Наманган шаҳридаги “Nightmare Labs” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти
Қудратов Шохрух Одил ўғли — Самарқанд шаҳридаги “Polyglot school” масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти
Салимова Махбуба Хидирбай қизи — Самарқанд давлат университетининг 1-босқич магистранти, Самарқанд вилояти

Абдуалимов Алишер Самандар ўғли — Сирдарё туманидаги “Sig uni xizmati” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти
Жўрабоева Зиёда Олимжон қизи — Гулистон туманидаги “Озодбек туҳфаси” фермер хўжалиғи механизатори, Сирдарё вилояти

Исмаев Шаҳзод Бахтиёр ўғли — Термиз шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Хакимжонов Ситорахон Абдуқодир қизи — Сариосиё туманидаги “Sitora Profession” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти
Маматқулов Қаҳрамон Ўктам ўғли — Бекобод шаҳридаги “Ibrat xos obod” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Садикова Феруза Равшанбек қизи — Тошкент вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг таъжовбдо бўйича мураббийси
Махмудов Саидрахматхон Саидрахорхон ўғли — Марғилон шаҳридаги “Textile Group and Gold” хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти
Набиева Сабина Шерзод қизи — Америка Қўшма Штатларининг Аризона университети 3-босқич талабаси, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 28 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ АВЛОД ОВОЗИ ВА ШИЖОАТИ барча соҳада янграмоқда ва кўринмоқда



Инсон капиталига инвестиция киритиш, хусусан, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тараққиёт сари интилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бугун Ўзбекистондаги ислохотлар марказига айнан ёшлар қўйилаётгани барча соҳада яққол намоён бўлмоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон экспорт салоҳияти: ШАКЛАНГАН СТЕРЕОТИПЛАР ЎЗГАРМОҚДА

Бозордан ёки турли савдо марказларидан бирор нарса харид қилганда, аксарият инсонлар махсулот сифати билан бирга, унинг каерда ишлаб чиқарилганига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу оддий одат эмас, инсон онгидаги ишонч индикаторидир. Бирор махсулотда “Made in Germany” ёки “Made in Japan” деб ёзилганини кўрганимизда, онгимизда дарҳол юқори сифат, технологик тараққиёт ва ишонч хисси уйғонади. Чунки дунё халқлари тайёр махсулотни, айниқса, юқори қийматга эга экспорт товарларини ишлаб чиқарадиган мамлакатларни табиий равишда тараққий этган, саноати ва илм-фани ривожланган давлат сифатида қабул қилади.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

“МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қобилияти, интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга катта ҳисса қўшиб келатган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорига пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ф.Ғ.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 28 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 28 июндаги ПҚ – 208-сон қарорига илова

“Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Ҳожабеков Батирбек Жолмурзаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси ҳарбий қисми спорт гуруҳи йўриқчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)
Эшнйязов Ислам Сапарбаевич — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыкали театри саҳна устаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Нўмонжонов Муҳиддин Ғулломжон ўғли — Андижон давлат тиббиёт институтининг биологик кимё кафедраси ассистенти (Андижон вилояти)

Саттаров Акмалжон Тўрайов ўғли — Андижон ихтисослаштирилган санъат мактабининг дами ва зарбли чолғу ижрочилиги йўналиши ўқитувчиси (Андижон вилояти)

Ёриев Шоҳижоҳон Ўткир ўғли — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг 4-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Рашидов Улугбек Уктамович — Республика олимпия ва паралимпия спорт турларида тайёрлаш марказининг 10-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Маматкаримов Даврон Абдурашид ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси (Жиззах вилояти)

Суннатов Қудратулла Сундоркул ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали 4-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Каримов Даврон Камолдидин ўғли — Ўзбекистон давлат филармониясининг хор жамоаси артисти (Қашқадарё вилояти)

Муҳитдинов Бобур Анварович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг махсус вазибалар бўйича республика кутқарув маркази йўриқчи-кутқарувчиси (Қашқадарё вилояти)

Бахтиёрв Фохриёр Ақромжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 1-босқич магистранти (Навоий вилояти)

Ережепбаев Қуанишбек Турсунович — Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-босқич магистранти (Навоий вилояти)

Рахимов Файзулло Хусанбой ўғли — Наманган давлат техника университетининг докторанти (Наманган вилояти)

Сотволдиев Жамшидбек Фарходжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Наманган вилояти)

Тошбеков Санжар Исмоилдин ўғли — “Маънавий ҳаёт” журнали мусахҳихи (Самарқанд вилояти)

Ҳакимов Феруз Хуршид ўғли — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1-босқич магистранти (Самарқанд вилояти)

Клешко Михаил Сергеевич — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Усмонов Азизбек Абдумурод ўғли — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Жандреев Шермуҳаммад Мамаражаб ўғли — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазибалари бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси (Сурхондарё вилояти)

Қудратиллаев Парвез Камол ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси (Сурхондарё вилояти)

Алиев Муроджон Анвар ўғли — Паркент туманидаги 29-балалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси (Тошкент вилояти)

Эгамбердиев Муҳаммадиброҳим Бақожон ўғли — Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Шерматов Қобилжон Отақўзи ўғли — “Янги Фарғона” газетаси муҳбири (Фарғона вилояти)

Худобердиев Шавкатжон Нурмат ўғли — Тошкент давлат техника университетининг таянч докторанти (Фарғона вилояти)

Умирбоев Алибек Жавлонбек ўғли — “Янги Ўзбекистон” университетининг 1-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Эгамбердиев Мақсadbек Бахтиёр ўғли — Боғот туманидаги ихтисослаштирилган мактабининг 11-синф ўқувчиси (Хоразм вилояти)

Муҳаммадов Миржапон Муҳаммаджон ўғли — Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Носиров Жаҳонгир Мансур ўғли — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, журналист (Тошкент шаҳри)



2025 йил 29 июнь, 132-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЯНГИ АВЛОД ОВОЗИ ВА ШИЖОАТИ барча соҳада янграмоқда ва кўринмоқда



Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ўғил-қизларнинг пухта таълим-тарбия олиши учун шароит яратиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, инновация, ижтимоий фаолият, ижод ва спорт соҳаларидаги фаол иштирокига кўмаклашишга қаратилган аниқ мақсадлар белгилаб берилди. Бу ёш авлод нафақат келажақ бунёдкори, балки бугунги тараққиётнинг фаол иштирокчиси эканини ҳам аниқлатади.

Дунёда турли-туман глобал муаммолар кўпайиб бораётган бир паллада ахборот технологияларини мукамал ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, жамиятда ўз ўрнига эга ёшлар қатлами ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Ўзбекистонлик йигит-қизлар ҳам бу жараёндан ортда қолаётгани йўқ. Улар орасида халқаро олимпиада ғолиблари, стартап лойиҳалар муаллифлари, халқаро стипендиялар соҳибларини учратиш одатий ҳолга айланиб қолди. Юқори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, креатив индустрия сингари соҳаларда юртимиз ёшлари яққол пешқадамлик қилмоқда.



Санжарбек РАШИДОВ,
ЎзЖОКУ биринчи проректори

Жанубий Корея, Финляндия, Сингапур сингари ривожланган давлатлар ўсиш стратегиясини айнан ёш авлодга таянган ҳолда белгиланган. Хусусан, Жанубий Корея интеллектуал иқтисодиётни шакллантиришда

ёшларнинг технопарклардаги иштироки ва стартапларини қўллаб-қувватлаш орқали дунёга машҳур брендларнинг вужудга келишига ҳисса қўшди. Финляндияда эса ҳар бир йигит-қиз учун дифференцияланган шахсий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилган. Ёшлар нафақат таълимда, балки сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Шу йўл билан фин ёшларида жамият учун масъулият ҳисси шакллантирилади.

Мамлакатимизда “Ёшлар дафтари”, “Ёшлар учун 1 миллиард”, “Ёшлар парламенти” каби лойиҳалар, “Ёшлар ҳафталиги” каби кенг қамровли тадбирлар орқали илгор халқаро амалиёт ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Бугун дунё ёшлари ахборот оламида фаол. Турли ижтимоий тармоқ ва платформалар орқали фикр билдириш, маълумот тарқатиш, креатив ёндашувларни намоён қилиш имкониятига эга. Масалан, АҚШ ва Канададаги сайловолди кампанияларига ёшлар айнан ижтимоий тармоқлар орқали катта таъсир кўрсатган. Ўзбекистонда ҳам ёшлар ахборот майдонида фаол ва таъсирчан гуруҳга айланди. “Ёшлар медиа маркази”, “Yoshlar ovozi” каби платформалар, ёш блогерлар фаолияти орқали бу майдонда янги авлод овози янграмоқда.

Замонавий сиёсий жараёнлар таҳлилига кўра, ёшлар нафақат демографик ресурс, балки жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, мафкуравий иммунитет ва инновацион салоҳиятини белгилаб берувчи етакчи қатламдир. Илмий изланишлар ҳам бунни тасдиқлайди. Ёшлар жамиятдаги янгиланиш жараёнининг фаол иштирокчиси, ахлоқий меъёрлар ташувчиси, дунёқарашларни мужассам этувчиси сифатида намоён бўлади.

Ёшлар жамиятнинг интеллектуал ва инновацион салоҳияти ҳамда маънавий кучидир. Илмий таҳлилларга кўра, ёш авлод ҳар қандай жамиятда янгиланиш, ижтимоий-сиёсий тараққиёт ва фуқаролик фаоллигининг асосий омили. Бугунги Ўзбекистонда ҳам ёшлар жамиятнинг етакчи кучи сифатида давлат ислохотларида бевосита иштирок этмоқда. Бу нафақат фахр, балки масъулият ҳамдир.

Мустақил фикрлайдиган, дунёвий ва миллий қадриятлар уйғунлигини англаган, замонавий билим ва технологияларни эгаллаган авлоднинг вояга етказиш янги Ўзбекистоннинг асосий стратегик вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

30 июннинг мамлакатимизда Ёшлар куни этиб белгилангани бугунги ёш авлоднинг фаоллигини эътироф этиш, юртимиз келажагидаги ўрнини юксак баҳолаш, энг муҳими, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда умуммиллий аҳамият касб этмоқда. Зотан, ёшларга эътибор мамлакатнинг эртанги кунига, миллатнинг интеллектуал салоҳиятига эътибордир. Биз ушбу юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, халқимиз фарзандларининг инновацион ҳоялари, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, танқидий фикрлай олиш салоҳиятини янада қўллаб-қувватлаймиз. Чунки янги Ўзбекистонни янгича фикрлайдиган, билимли ва масъулиятли ёшлар барпо этади.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамай, мамлакатимизда муҳим ислохот ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни ўз вақтида сифатли ишга тушириш, аҳолининг барқарор даромад манбаларини яратиш, янги иш ўринлари очиш, бандликни таъминлаш, эҳтиёжманд фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мурожаатларни жойида ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

ҲАММАСИ – ХАЛҚИМИЗ РОЗИЛИГИ УЧУН!



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси раҳбари

Бандликни таъминлаш — жуда долзарб масала. Сабаби, иш билан таъминлаш камбағаллик даражасида яшайётган фуқаролар турмушини тубдан ўзгартирадиган муҳим омилдир. Шу боис, бандлик масаласи ҳар йилги давлат дастурларида ҳам, узоқ ва яқин истиқболни кўзловчи стратегияларда ҳам ўз ифодасини топади.

Белгиланган долзарб вазифалар ижро ҳокимиятидан, айнқиса, ҳудудлардаги мутасаддилардан ташаббускорлик ва жавобгарлик асосида иш юритишни талаб этмоқда.

Кейинги йилларда ҳар бир лойиҳа ҳамда вазифа аниқ режа ва иқтисодий асослари билан мустаҳкам белгилаб берилмоқда. Аммо жойлардаги айрим суствашликлар сабабли муаммолар юзага келмоқда. Йиғилишда бажарилмаган вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, биринчи ярим йилликда 2 миллион 600 минг кишини иш билан таъминлаш режа қилинган. Лекин етарлича маблаг ва шароит яратишга қарамай, бандлик режаси 15 та туманда тўлиқ бажарилмаган.

Бандликни таъминлаш — жуда долзарб масала. Сабаби, иш билан таъминлаш камбағаллик даражасида яшайётган фуқаролар турмушини тубдан ўзгартирадиган муҳим омилдир. Шу боис, бандлик масаласи ҳар йилги давлат дастурларида ҳам, узоқ ва яқин истиқболни кўзловчи стратегияларда ҳам ўз ифодасини топади.

Иш ўрни очилмаслиги муайян муҳим ижтимоий лойиҳалар вақтида амалга оширилмаганини ҳам аниқлатади. Ҳар бир лойиҳани бажариш, мурожаатларни жойида ҳал қилиш чораларини кўриш бўйича мутасаддиларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада энг таъсирчан институт, албатта, жамоатчилик ва халқ назорати институтидир.

Энди “Халқ назорати” электрон портали мамлакат бўйлаб ишга туширилди. Ушбу платформа аҳолига ўзи яшайётган ҳудуддаги муаммолар ҳақида тўғридан тўғри масъул ташкилотларга мурожаат қилиш имконини беради. Бунда масаланинг аниқ сурати ёки видеоси порталнинг мобил иловасига юкланади. Тизим мурожаатни мутасадди ташкилотга йўналтиради. Эътиборлиси, мурожаатнинг жавоблари порталда ошқора эълон қилинади. Масаланинг қандай ечим топгани ёки нега ҳал этилмаётганини кенг жамоатчилик кузатиб боришига имкон яратлади.

Порталнинг очиклик принципи асосан ишлаши масъулларнинг фуқаролар мурожаатига қандай муносабатда бўлаётганини ҳам кўрсатиб туради. Биз мутасаддиларнинг халқимиз олдидаги масъулиятини кучайтиришга ҳизмат қиладиган, аҳолига ҳар томонлама манфаатли бўлган лойиҳа ва замонавий платформаларни қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга, уларнинг ижтимоий самарадорлиги учун ҳар бир ҳудудда депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳаракат қиламиз. Чунки мурожаатлар эгасига етиб бориши ва тез ҳал бўлишидан, аввало, сайловчиларимиз манфаатдор.

Шунингдек, йиғилишда давлатимиз раҳбари Халқ қабулхоналари тизимига ҳам тўхталиб, улар аҳоли дардини эшитиш, масалаларни ҳал қилиш ўрнига мурожаатларни бошқа ташкилотларга тақсимлаш билан машғул бўлиб қолганига эътибор қаратди. Бунга мисол тариқасида ўтган йили Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналарига юборилган мурожаатларнинг 55 фоизи ижобий ҳал этилганини кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда Халқ қабулхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларга вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилиши белгиланди. Бундан қўзланган мақсад бугун пайдо бўлган муаммони кейинги кунга қолдирмай, мурожаатни бошқа идорага ўтказмай, шу ернинг ўзида ҳал қилишдир.

Мамлакатимиздаги 1024 та маҳалла “оғир” тоифада экани, яна 1294 тасида жиноятчилик, 1500 тасида ажралишлар кўпайгани айтиб ўтилди. Халқимизда “Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Маҳалланинг обод ва фаровон бўлиши ислохотларнинг аҳоли турмушига таъсирини кўрсатувчи кўзгу аслида. Шу боис, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси маҳалла раислари ва “еттилик”ни янгича ишлашга ўргатиши зарурлиги қайд этилди.

Бугунги глобаллашган дунёда ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг долзарблиги ошиб бормоқда. Буни халқимизнинг кундалик турмуш билан боғлиқ масалаларга талабчанлиги ортганида ҳам кўриш мумкин. Демак, ҳеч бир муаммо ва мурожаатни эътиборсиз қолдирмаслик мутасаддиларнинг бурчи ва айлиниши зарур. Қўзланган эзгу мақсадларга эришиш учун ҳудудлардаги депутатларимиз ҳам ташаббускорлик ва талабчанлик кўрсатиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЭНГ ФАОЛ МАМЛАКАТ

Обод манзиллар

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида жамият ҳаётининг барча йўналиши қаторида туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Бу бежиз эмас. Зеро, жаҳонда кечаётган глобаллашув ва иқтисодий инқироз жараёнига қарамай, сайёҳлик саноати фаол ривожланаётган тармоқлардан бирга айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда юртимизда туризм индустрияси ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этилди. Миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорда самарали тарғиб қилиш учун шароит яратилди, виза режими либераллаштирилди, қўлай сайёҳлик муҳити шакллантирилди. Натيجида ички ва ташқи туризм жадал ривожланипти. Мисол учун, 2024 йилда 10,1 миллион хорижлик сайёҳат қилиш ва бошқа мақсадда юртимизда бўлди. Кўрсатилган туризм хизматлари экспорти 3,4 миллиард доллари ташкил этди.

Мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини оқилона ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш ҳамда бу борада жаҳон тажрибасини қўллаш, изчил ислохотлар сайёҳлар оқимини кўпайтириш баробарида Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги жозибадорлигини оширишда ҳам самара бераётди. Мисол учун, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган

“Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси” тадқиқотига кўра, Ўзбекистон 2024 йилда “Туризмни ривожлантириш бўйича дунёнинг энг фаол мамлакат”и деб топилди. Бу эътироф юртимизда халқаро сайёҳларни жалб қилиш ва барқарор туризмни ривожлантиришга эътибор кучайиб бораётганини аниқлатади.

Бу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом этапти. Хусусан, туризм инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ички туризм тарғиботини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 июндаги “Туризм объектлари ҳамда жойлаштириш воситаларида атроф-муҳитга салбий таъсири камайтирилган маҳсулотлардан фойдаланиш ва экологик талабларга мувофиқ кўрсатиладиган хизматларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар ривожига муҳим қадам бўлди.

Бугун барча соҳа ва тармоқларда табиатга безарар, экологик соф технологиялардан



фойдаланишга эътибор кучайди. Шунингдек, сув ва тупроқни ифлослантирмаслик, чиқиндиларни қайта ишлаш, ишлаб чиқариш жараёнида энергиятежамкор технологиялардан фойдаланиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундай янгича услуб ва воситалар, илм-фан ютуқлари ҳамда инновацияларнинг сайёҳлик хизмати кўрсатадиган тузилмалар фаолиятига татбиқ этилиши айна мудида. Ана шу мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида 2025 йилдан бошлаб ҳар йили ноябрь ойида “Энг намунали яшил туризм объекти” танлови ўтказилади. Бундан мақсад туризм объектлари, жумладан, жой-

лаштириш воситаларида атроф-муҳитга салбий таъсири камайтирилган маҳсулотлардан фойдаланиш, шунингдек, соҳада экологик талаблар асосида кўрсатиладиган хизматларни рағбатлантиришдир.

Танловда туризм объектларида бир марталик пластик маҳсулотлардан фойдаланишда экологик жиҳатдан зарарсиз маҳсулотларга ўтиш борасида яхши натижаларга эришган, соҳага оид илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда чиқиндиларни камайтиришда алоҳида ташаббус кўрсатган тадбиркорлар иштирок этиши кўзда тутилган.



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

туризм масканларида яшил ҳудудлар барпо этиш, сув ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. “Яшил” туризм масканлари кенгайиб бораётгани эса сайёҳлар оқими кўпайишига замин яратмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоятимизга 1 миллион 700 минг хорижлик меҳмонлар, тўрт миллиондан зиёд маҳаллий сайёҳ келди. Жорий йилда бу рақам янада кўпаймоқда. Сайёҳлик инфра-тузилмаси ва хизмат кўрсатишнинг ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар туризм ривожига ҳамда иқтисодий фаровонлик сари янги истиқбол очди.

Танлов ҳудудий саралаш ва республика босқичидан иборат. 1-ўрин эгалари БҲМнинг 150 баран миқдоридаги пул муқоти билан рағбатлантирилади. Ушбу тадбир экологик барқарорликка йўналтирилган лойиҳаларни кенгайтириш, туризм объектларида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган инновацион ечимлар ҳамда истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладди.



Ўзбекистон экспорт салоҳияти:

ШАКЛЛАНГАН СТЕРЕОТИПЛАР ЎЗГАРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Чунки биз узоқ йиллар давомида, асосан, хомашё етказиб берувчи давлат сифатида кўрилиб келдик. “Ўзбекистондан келган маҳсулот” дейилганда кўп ҳолатда пахта, олтин ёки табиий газ тасаввурга келарди. Аммо бу қараш ўзгармоқда. Энди Ўзбекистон номи фақат ресурслар билан эмас, балки қайта ишланган, истеъмолга тайёр, рақобатбардош маҳсулотлари билан боғланмоқда.

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МХТИ) экспертлари томонидан 2017-2024 йиллар давомида мамлакатнинг экспорт таркиби таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) томонидан тавсия этилган халқаро методология асосида бажарилиди. UNCTAD методологиясига кўра, экспорт маҳсулотлари технология муркаблиги ва қайта ишланиш даражасига қараб 6 тоифага ажратилади. Буларга паст, ўрта, юқори технологияли, қайта ишланган ресурсга асосланган маҳсулотлар ҳамда хомашё, таснифланмаган маҳсулотлар киради.

Сифат ўзгаришига қараб қатъий қадам

Кейинги йилларда юртимиз иқтисодиётида ривожланишнинг янги босқичи — қайта ишланган, юқори қийматли маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. 2017-2024 йиллар давомида мамлакатнинг ташқи савдо таркибида хомашё улуши деярли икки баробар — 36,3 фоиздан 17,3 фоизгача камайди. Бу сифат жиҳатидан янги босқичга ўтилаётган иқтисодий жароёнларнинг аққол тасдиқидир.

2024 йилги экспортдаги хомашё таркиби-га назар ташланса, етакчи ўринни мис (30,96 фоиз) эгаллаб турибди. Ундан кейинги ўринларда сазавотлар (18,6 фоиз), мев ва ёнғоқлар (15,8 фоиз), табиий газ (13,16 фоиз) ҳамда қумуш, платина ва бошқа қimmatбахо металллар (5,7 фоиз) қайд этилган.

Бу рақамлар глобал қиймат занжирида юқорироқ поғоналарга кўтарилаётганидан, иқтисодий таркибининг хомашё экспортига эмас, тайёр маҳсулот ва қайта ишлаш салоҳиятига асосланаётганидан дарак беради. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг ташқи иқтисодий имижини ва рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Шарҳ

Қундалик харажатдан орттириб, бир оз маблаг жамғарсак, уни қандай сақлаш тўғрисида бош қотира бошлаймиз. Эски сандикқа солиб, оғзига каттакон қулф осамиз ёки бўлмаса ўраб-чирмаб кўздан панага яширамиз, аммо у ердан ҳам кўнглимиз тўлмайди. Шунда дўсту биродарлар, қариндош-урулар билан маслаҳатлашиб, қорва, автомобиль ёки уй, дўкон сотиб олишга қарор қиламиз. “Етти ўлчаб бир кес”, деганларидек, узоқ бош қотирамиз. Турли ҳисоб-китоб ва тахминларга кўра, ўзимизга энг мақбул йўлни танлаймиз. Тасаввур қилинг, бир киши озгина маблагини сақлаш ва кўпайтириш учун шунча бош қотирар экан, йирик сармоядорлар давлатлар ва соҳаларга маблаг қиритишда қанчалик кучли иқтисодий таҳлиллар ўтказишади.

Айниқса, сиёсий келишмовчиликлар, иқтисодий буҳронлар авж олаётган бир даврда бу масалада йирик компания эгалари янада кучли бош қотиринишга, таъбир жоиз бўлса, “етмиш ўлчаб бир кесми”га тўғри келяпти. Улар бирор давлатдаги лойиҳага сармоя қиритишда кўплаб омил — давлатнинг иқтисодий ўсиши барқарорлиги, қонунчилиги, юридаётган сисёти, ҳатто бошқа давлатлар билан муносабатларига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатлар учун хорижий инвестиция жалб қилишни мурраккаб иқтисодий жараёнга айлантириб қўяётар.

Шу боис, дунё бўйича сармоялар оқими йилдан йилга пасайиб бормоқда. БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD)нинг шу ойда эълон қилинган Жаҳон инвестиция ҳисоботида кўра, дунё миқёсида глобал тўғридан тўғри инвестициялар 2024 йилда 11 фоиз камайиб, 1,5 триллион долларни ташкил этган. Бу кетма-кет иккинчи бор пасайишдир. Ташкилот мутахассислари хулосасига кўра, 2025 йил аввалида бу йилги кўрсаткич бир оз кўтарилиши керак эди. Аммо охириги вақтлардаги ўзгаришлар сабаб 2025 йилда ҳам натижалар салбий бўлиши қайд этилмоқда.

Табиий ресурслардан яратилган маҳсулотлар улуши икки баробар ошди

Сўнгги етти йил ичида юртимизда табиий ресурсларга асосланган маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспортга тайёр ҳолда чиқариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда ушбу тоифадаги маҳсулотлар умумий экспорт таркибининг 3,9 фоизини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, 8,4 фоизга етди. Бу эса икки баробар ўсишни англатади.

Экспорт таркибида етакчи ўринни нефть ёки битумли минераллардан қайта ишланган маҳсулотлар (31 фоиз) эгаллади. Кейинги ўринларда бугдой ва меслин уни (19,2 фоиз), қайта ишланган тамаки маҳсулотлари (4,3 фоиз), қурилиш материаллари (3,7 фоиз) ҳамда қолдиқ нефть маҳсулотлари (3,5 фоиз) қайд этилмоқда. Бу тенденция Ўзбекистон иқтисодиётининг хомашё етказиб берувчи эмас, қайта ишловчи, яъни қўшимча қиймат яратувчи иқтисодиёт сари ҳаракатланаётганини тасдиқлайди. Шу билан бирга, ички саноат тармоқлари ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилаётган ислохотларнинг амалий самараси сифатида ҳам баҳоланади.

Паст технологияли маҳсулотлар экспорти ошмоқда

Экспорт нафақат хорижий валюта тушумининг асосий манбаи, балки ишлаб чиқариш салоҳияти кенгайиши, технологик янгилиниш, янги иш ўринлари яратилиши ва инновацион ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Айниқса, замонавий глобал иқтисодиёт шаронтида экспорт тар-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

киби ва сифати миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий омиллардан бирига айланган. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибининг технологиявий даражаси қанчалик юқори бўлса, иқтисодиёт шунчалик барқарор ва инновацион бўлади.

Аммо паст технологияли маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 14,2 фоиздан 17,1 фоизгача ўсган ва таркиби ҳам сезиларли даражада мураккаблашган. Бу тоифадаги маҳсулотлар экспорти таркибида асосий улушни тўқимачилик ипи (37,1 фоиз) эгаллаб турибди. Шунингдек, тўқимачилик маҳсулотларидан тайёр кийим-кечаклар (13,1 фоиз), трикотаж ва тўқилган матолар (8,1 фоиз), тайёр

тўқимачилик буюмлари (6,3 фоиз) ҳамда пахта матолари (4,4 фоиз) каби маҳсулотлар ҳам етакчи ўринларни эгалламоқда.

Глобал саноат занжири

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятида ўрта технологияли маҳсулотлар алоҳида ўрин тутади. Сўнгги етти йил давомида бу тоифадаги маҳсулотларнинг экспортдаги улуши барқарор равишда 8 фоиз атрофида сақланиб турибди. Бу кўрсаткич миқдор жиҳатидан ўзгармасдек туюлса-да, таркибий жиҳатдан маҳсулотлар мураккаблашиб, саноатнинг технологик ўсишини кўрсатади.

2024 йилда ўрта технологияли маҳсулотлар таркибида етакчи улушни ўғит (19,1 фоиз) эгаллади. Шунингдек, автомобиль қисмлари ва эҳтиёт қисмлар (18,6 фоиз), полиэтилен (12,3 фоиз), ички ёнув двигателлари (8,8 фоиз) ҳамда маиший техника (6,7 фоиз) каби маҳсулотлар ушбу сегментдаги экспортнинг юксалишига ҳисса қўшмоқда.

Бу ҳолат мамлакатда саноат кооперацияси, машинасозлик ва кимё саноати ривожини янада чуқурлаштириш бўйича қилинаётган ислохотлар самарасини намоён этади. Шу билан бирга, экспорт таркибида юқори қийматли ва қайта ишланган маҳсулотларнинг босқичма-босқич ўсиши Ўзбекистоннинг глобал саноат занжирида барқарор ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим омиллардан бири.

Ишончнинг ўсиши

Ўзбекистон ташқи савдосида юқори технологияли маҳсулотлар улуши йил сайин изчил ва барқарор ўсиб бормоқда. Агар 2017 йилда бу тоифа маҳсулотлар умумий экспортнинг атиги 0,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 1,5 фоизга етди. Бу эса уч баробар ўсиш демакдир.

Экспорт таркибида асосий улушини телевизорлар ва телевизор қурилмалар

(14,6 фоиз), айланувчи электр ускуналар (14,2 фоиз), электр жиҳозлари ва аппаратуралари (10,8 фоиз) ҳамда электр энергияси ишлаб чиқарувчи машиналар ва уларнинг қисмлари (9,7 фоиз) эгаллади.

Бу ўсиш — мамлакатда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш инфратузилмаси шаклланиб бораётгани ва технологик ечимларга эҳтиёж ортаётганининг далили. Шунингдек, соҳага хусусий сектор жалб этилиши, хорижий инвестиция учун қулай муҳит яратилиши ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқори технологияли экспорт нафақат иқтисодий самарадорлик, балки Ўзбекистоннинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва илмий тадқиқот салоҳиятини ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ушбу тенденция узоқ муддатли миллий тараққиёт стратегиясининг инновацион йўналишларига тўла мос келади.

Ўзбекистон экспорти таркибидаги сифатли бурилиш шунчаки иқтисодий тренд эмас, миллий тараққиётнинг фалсафасига айланаётган жараёндир. Тайёр, мураккаб маҳсулот экспорт қилиш учун фақат заводлар эмас, балки янги тафаккур, тизимли ислохотлар, илм-фанга суянган бошқарув ва истиқболли кўра оладиган сиёсий ирода керак.

Технологик экспорт — иқтисодиётнинг юксак босқичи. Унда қиймат меҳнатдан ҳам олдин билим, инновация ва стратегияда яратилади. Ўзбекистон шу йўлга кирган. Бу йўл оғир, аммо шарафли. Бу йўлда ютуқлар ҳам, синовлар ҳам бўлади. Лекин энг муҳими — ният равшан: хомашё сотиб эмас, қиймат яратиш, глобал бозорда ўз ўрнини топиш.

Энди экспорт фақат ташқи даромад манбаи эмас, у миллий иқтисодиёт кўзгуси, миллий саноатлаштириш салоҳияти ва жаҳон билан тенгма-тенг мулоқот қила олиш қобилиятини кўрсатувчи муҳим мезонга айланмоқда. Шунинг учун экспортни технология, билим ва маданият орқали шакллантириш иқтисодий тараққиётнинг энг мустаҳкам йўлидир.

Мазкур ўзгариш тасдиқий эмас. Йиллар давомида юритилган саноат сиёсати, экспорт стратегияси, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати ва давлатнинг қўловал натижа-сидир. Энг муҳими, бу ўзгариш дунёқарашдаги бурилишдир. Чунки экспорт қилинган ҳар бир тайёр маҳсулот ортда инновация, меҳнат, сифат ва миллий ифтихор бор. Ушбу маҳсулотларнинг жаҳон бозоридида ўрин эгаллаши Ўзбек брендида ишонч ўсиши демакдир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

бориб, ЯИМ ўртacha 173 миллиард долларга етади.

Таққослаш учун: Жаҳон банкнинг глобал иқтисодий истиқболлар ҳисоботида кўра, дунёда йил бошидаги тақрибий иқтисодий ўсиш 2,7 фоиздан айни пайтда 2,3 фоизга пасайган. Бу кўрсаткич 2008 йилги глобал иқтисодий инқироз давридан бери энг паст даражадир.

2026-2027 йилларда ўсиш суръати 2,4 ва 2,6 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. АҚШ иқтисодиётининг ўсиш прогнози 2025 йил учун 2,3 фоиздан 1,4 фоизга ва 2026 йил учун 2 фоиздан 1,6 фоизга қайта қўриб чиқилди. Европа ҳудудида 2025 йил учун ўсиш прогнози 1 фоиздан 0,7 фоизга, 2026 йил учун эса 0,7 фоизга туширилди. Хитой иқтисодиёти 2025 йилда 4,5 фоиз ўсиши прогноз қилинмоқда.

Рақамлардан ҳам маълум, иқтисодий ўсиш борасида Ўзбекистон анча барқарор давлатга айланиб бормоқда. Яна бир муҳим жиҳат: Жаҳон банки бш иқтисодиёти Индермит Гилл Осие минтақасидан бошқа жойда ривожланган тўхтаб қолаётганини айтди.

Ҳисоботда ушбу масалага оқилона ечим — стратегик савдо-инвестиция ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва савдонинг диверсификация қилиш, жумладан, минтақавий битимлар тузиш орқали кенгроқ либераллаштиришга интилиш ва иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган ислохотларни амалга ошириш экани қайд этилган. Таҳлил қилиб кўрсангиз, охириги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгариш ва янгилинишлар худди шу қоида асосида олиб борилаётганини англайсиз.

Хорижлик инвесторлар “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида ҳаётга таътиб этилаётган лойиҳаларни ҳам қизиқиш билан кузатмоқда. Айниқса, муқобил энергия ишлаб чиқаришни кенгайтириш, “ишил” технологияларни кўпайтириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга доир салмоқли ва тизимли ишлар халқаро тақшилотлар, етакчи экспертлар ва сармоядорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Яқинда “S&P Global Ratings”, “Moody’s” халқаро агентликлари Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини прогнози “Барқарор”дан “Иқтисодий” даражага ўзгартиргани ҳам бежиз эмас. Ушбу эътифдор мамлакатимизнинг жаҳон сармоя бозоридидаги имижини янада яхшилайд.

Сармоядорлар билан манфаатли келишувлар асосида мамлакатимизда қилинаётган бунёдкорлик ишлари иқтисодиётимиз юксалиши, аҳолининг фаровонлиги орттишига хизмат қилади.

Санжар ЭШМУРОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” шарҳловчиси



Сўнгги етти йил ичида юртимизда табиий ресурсларга асосланган маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспортга тайёр ҳолда чиқариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда ушбу тоифадаги маҳсулотлар умумий экспорт таркибининг 3,9 фоизини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, 8,4 фоизга етди. Бу эса икки баробар ўсишни англатади.



Инвестиция ўзлаштиришга бунинг таъсири борми?



жалб қилиниши қутилмоқда. Албатта, бунда мамлакатимизда ташкил этилаётган йирик халқаро саммит ва форумлар ҳам муҳим аҳамият қасб этапти. Жумладан, шу йил апрелида бўлиб ўтган учта йирик тадбир ҳамда жорий йил июндаги тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ва унинг доирасида ўтказилган Хорижий инвесторлар кенгаши мажлиси сармоядорлар билан манфаатли шартнома ва келишувларга эришишга хизмат қилди.

Турли мамлакатларнинг йирик инвесторларини жаллаган форум доирасида рекорд даражадаги маблаг — 30,5 миллиард долларлик келишувларга эришилди. Таққослаш учун айтмамиз: олдинги учта форумдаги кўрсаткич жами 44 миллиард доллар эди.

Жумладан, форумда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан 250 миллион долларлик суверен кредит ажратилиши назарда тутилган битим тузилди. Унга кўра, 110 та сугориш насос станцияси модерни-

зация қилинади. Шунингдек, Тошкент вилоятида қуввати 1400 мегаваттли ИЭС қуриш, Фарғона вилояти Бешарик туманида қуввати 500 мегаваттли, Наманган вилояти Поп туманида қуввати 200 мегаваттли қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ҳамда электр энергиясини сотиб олиш бўйича битимлар имзоланди. Хорижий инвесторлар иштирокиди йирик ҳажмдаги, кечая кундуз электр ишлаб чиқаришга мўлжалланган концентранглан қуёш энергияси станцияси қуриладиган бўлди.

Фақат энергетика соҳасида эмас, ижтимоий ҳаёт, таълим ва илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларида ҳам янги лойиҳа ва ташаббусларни инвесторлар билан биргаликда ҳаётга таътиб этишга келишиб олинди. Мисол учун, Янги Наманган шаҳарчаси ҳудудида замонавий кўп қаватли уй-йўللар ва меҳмонхона қуриш, транспорт, ахборот технологиялари, таълим тизими йўналишида қатор келишувларга эришилди.



ҲУҚУҚШУНОСЛАР ФАОЛИЯТИДА

РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН

ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНМОҚДА?



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Кечкурун уйга келсам, синглимнинг “оғзи қулоғида”, ҳовлиқиб суяунчи сўради: “Ака, суяунчи беринг, университетга ҳужжат топширдим”. Аввалига хурсанд бўлдим, ахир ўқийман, олий маълумотли мутахассис бўламан деб 2-3 йилдан бери тинимсиз тайёргарлик кўради. Кейин қизим ёдимга тушди, бир оз шамоллаб, боғчасига бора олмаётгани учун синглимни Самарқанддан “боғча опа”ликка қақиртирган эдик-да.

Шу заҳоти юзимдаги мамнулик ўрнини сўроқ ифодаси эгаллади. У буни дарров илғади. “Шу иссиқда бола билан”, деб бошлаган эътирозим оғзимда қолди. Смартфонига ишора қилиб, шу ерда, мана шу орқали топширганини тушунтирди. Очиги, бир оз хижолат ҳам бўлиб қолдим. Телефон орқали ўқинишга ҳужжат топшириш керак-керексиз “справка”лар йиққан, бюрократия чўққисини кўрган биз тенги авлод вакиллари-нинг қаердан ҳам ҳаёлига келсин...

Эртаси кун ишхонада навбатдаги мақола учун мавзуга доир факт ва маълумотларни таҳлил қилар эканман, кечаги воқеа кун давомиде ҳаёлимдан кетмади. Чунки у ёзилмак мақола мавзусига қайсидир жиҳатдан боғлиқ эди — рақамлаштириш, сунъий интеллект имкониятлари.

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари ривожланиб бораётган бугунги даврда барча соҳа ва тармоқлар жадал рақамлаштирилипти, AI (artificial intelligence), яъни сунъий интеллектдан фойдаланиш қамрови тобора кенгайиб бормоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ахборот технологиялари соҳасида 300 минг ёшани иш билан таъминлаш, мактаб ўқувчиларини халқаро технологиялар бозорига талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатиш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенгайтириш ва ҳар йили энг иқтидорли 15 минг ёшани нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш каби вазифалар белгилангани эса жамиятимизнинг сунъий интеллект билан боғлиқлиги йилдан йилга мустаҳкамланиб боришидан далолат.

Шу ўринда яна бир жиҳатини айтиш жоиз. Кўпчилик, айниқса, катта ёшли авлод вакиллари рақамлаштириш, сунъий интеллектнинг қулайлиги билан бирга қатор зарарли жиҳатлари борлигини ҳам таъкидлайди. Демак, бир томондан қараганда, рақамлаштириш, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш — давр талаби, иккинчи томондан эса унинг ҳаффи жиҳатлари бор. Ҳўш, унда нима қилмоқ керак? Қуйида ҳуқуқшунослик соҳасида улардан фойдаланиш мавзуси орқали ушбу саволга жавоб қидирамиз.

Ҳуқуқ соҳасида сунъий интеллектнинг ўрни

Сунъий интеллект турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий тизимлардан иборат, инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни ахборот базасига киритилган маълумотлар асосида амалга оширади. Мураккаб таҳлиллар ва катта маълумотлар билан ишловчи дастурларни ўз ичига олиб, мантиқли изчил мулоҳаза қилиш ҳамда тавсия бериш қобилиятига эга “ақли” технология. Шунинг учун мутахассислар сунъий интеллектга тўрттинчи санаот инқилобининг асоси сифатида қарамоқда.

Уни яратувчилардан бири ҳисобланган америкалик олим Жон Маккарти 2004 йилда нашр этилган мақоласида қуйидаги таърифни илгари сурган эди: “Сунъий интеллект фан ва муҳандислиқдир. Ақли машиналар, айниқса, ақли компьютер дастурларини яраттирдир. Бу инсон ақлини тушуниш учун компьютерлардан фойдаланишга ўхшаш вазифа билан боғлиқ, аммо сунъий интеллект биологик кузатилиш мумкин бўлган усуллар билан чекланиб қолиши керак эмас”.

Адвокатурада қандай натижа беради?

Адвокатура соҳасида рақамли технологияларни қўллаш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда халқаро адвокатура вакиллари билан ўзаро тажриба алмашиш, қолаверса, соҳа вакиллари-нинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда замонавий адвокатура



институтини яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда ҳуқуқ соҳаси, хусусан, адвокатура институтини ривожлантиришда рақамли технологияларни кенг қўллаш, адвокатлар томонидан суд процессларида сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти ошиб, бу борадаги ишлар хусусий сектор вакиллари ҳамда ҳукумат даражасида қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, суд процессларида сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш, яшил трансформацияда юристларнинг роли, рақамли технологияда географик ва ҳуқуқий тўсиқларини енгиш, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида янги ҳуқуқий хизмат экотизими яратилмоқда.

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Машхураҳон Шокированинг айтишича, бугунги кунда юриспруденцияда сунъий интеллектнинг тавсия ва қарорларини қабул қилиш технологияси кенг қўлланилмоқда. Масалан, дунёда илк бор суд мажлисида Жошуа Брауер томонидан яратилган DoNotPay сунъий интеллектли суд мажлисида айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этди. Ушбу илк робот адвокат айбланувчининг мобил телефони орқали ишлайди, яъни айбланувчига нисбатан билдирилган айбловларни таҳлил қилган ҳолда ўзининг ҳимояси остидаги шахсга ҳуқуқий маслаҳатлар беради. RoboLawyer фақатгина технологик тараққиёт маъсулигига эмас,

балки бу жамиятнинг ривожланаётган эҳтиёжларига жавоб сифатида майдонга чиққан технологиядир.

Ҳаётимиз рақамли дунё билан тобора чамбарчас боғланиб бораётган экан, қулай, самарали ва ишончли юридик хизматларга талаб ортаверади. Ҳўш, сунъий интеллектнинг адвокатура соҳасида қўлланилиши ижобий таъсирга эгами ёки аксинча? Қуйида сунъий интеллект адвокатлари томонидан яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритамиз.

Биринчидан, сунъий интеллект адвокатларидан ҳамма бирдек фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Масалан, миқозлар, ҳуқуқшунос ва ҳатто ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олаётган талабалар учун ҳам алоҳида афзалликка эга. Миқозлар учун RoboLawyer қулай платформани тақдим этган ҳолда, у ерда юридик хизматлардан тез ва арзон нархларда фойдаланиши мумкин. Бу керак бўлганда ёрдам беришга тайёр шахсий адвокатга ўхшайди.

Иккинчидан, сунъий интеллектдан фойдаланиш билан юристлар ҳуқуқий

масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали транспорт воситаларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган зарарли газларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ҳам мумкин.

Сунъий интеллект ҳуқуқшуносларнинг ўрнини эгаллаши мумкинми?

Сунъий интеллект асосида ишлайдиган робот адвокатларнинг инсониятга ва умуман, жамиятга хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлари хусусида сўз юритадиган бўлсак, SpaceX асосчиси Илон Маск сунъий интеллект бутун бошли инсоният цивилизациясини барбод қилиши мумкинлигини инкор этмаган. Унинг фикрича, сунъий интеллект инсоният цивилизациясини учун асосий хавф туғдирувчи омиллардан бири бўлиши мумкин. Сабаби, у инсонга нисбатан барча ишларни самаралироқ ва қисқа фурсатда бажаргани учун бандлик билан боғлиқ оммавий муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимоли юқори. Энг сўнгги ва илгор технологияларга талаб ортиши натижасида компаниялар сунъий интеллект ортдан юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни англамай қолиши мумкин.

AI адвокат хизматларидан фойдаланиш орқали юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларнинг биринчиси сифатида ишсизлик кўрсаткичи ошиб боришини қайд этиш мумкин. Шу ўринда бир савол туғилади: “Сунъий интеллект ҳуқуқшуносларнинг ўрнини эгаллаши мумкинми?”. Ушбу савол бугунги кунда долзарб муҳокамага сабаб бўлмоқда. Чиндан ҳам, ҳозир сунъий интеллект маълумотларни таҳлил қилиш, ҳисоблаш ва автоматлаштиришни ўз ичига олган вазифаларни мукаммал даражада бажармоқда.

Масалан, RoboLawyer катта ҳажмдаги ҳуқуқий маълумотларни саралаш, теглиши маълумотларни аниқлаш ва олдиндан белгиланган алгоритмлар асосида юридик маслаҳат бериши мумкин. Яъни сунъий интеллект ҳуқуқий тадқиқот ўтказиш, шартномалар таҳлили ва қўллаётган ишларни башорат қилиш каби вазифалар учун бебаҳо воситага айланди, десак адашмаган бўламиз.

Бироқ ҳуқуқ амалиёти маълумотларни таҳлил қилиш билангина чегараланиб қолмайди. Ушбу жараёнда инсоний қадриятлар, ахлоқий мулоҳазаларни чуқур тушуниш, мураккаб ва ноаниқ вазиятларда мулоҳаза юрита олиш қобилияти талаб этилади. Ушбу санаб ўтилган жиҳатлар эса сунъий интеллектда етарли даражада бўлмаслиги мумкин.

Адвокатлик касби юқори даражадаги маънавий қобилият, шахсий фазилатлар ёрдамида мураккаб ва кенг қамровли ҳодисаларни аниқлаб етган ҳолда мустақил қарор қабул қилишни талаб этади. AI ҳуқуқшунослар эса ушбу фазилатларнинг барчасига эга эмас. RoboLawyer каби AI юристлар пайдо бўлиши таҳдид эмас, балки юридик хизматларнинг янги даври учун катализатордир. Сунъий интеллектнинг ҳуқуқий ландшафтга интеграциялашуви инсон адвокатларни алмаштириш ҳақида эмас, балки янада мустаҳкам, ўзаро боғланган ва ақли ҳуқуқий экотизимни яратиши билан аҳамиятлидир.

Шу сабабли, у адвокатларнинг ишини енгиллаштириш учун хизмат қилса-да, норматив тусдаги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, миқозларга маслаҳат бериш, суд жараёнларида иштирок этиш, ҳуқуқий тадқиқот ўтказиш билан боғлиқ ишларда инсон омилнинг ўрнини боса олмайди деган хулосага келиш мумкин.

Қолаверса, сунъий интеллект базасига киритилган шахсга доир маълумотлар хавфсиз-

лигини таъминлаш масаласи муаммо бўлиши эҳтимоли бор. Маълумотлар махфийлиги юридик фирмалар учун бизнес юртишнинг муҳим таркибий элементларидан биридир. Сунъий интеллект қабул қилган қарорлар, юридик маслаҳат ва ҳисоб-китоблардаги хато ва камчиликларга ким жавобгарлиги масаласи очик қолади.

Судья, прокурор ва адвокатлар қайси-дир маънода ўз иш фаолияти давомида ички ишончи, ҳаётий тажриба ва қадриятларига таянган ҳолда қарор қабул қилади. Сунъий интеллектга асосланган тизим эса ҳиссиётларни тушунамайди. Яъни адвокатлар ҳуқуқий ечим тақдим этаётганда ёки судьялар қарор қабул қилаётганда фақат қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар доирасида иш мазмунини ҳал қилиб қўймасдан, тарафларни эшитиш ва уларнинг ҳолатини аниқ идрок этган ҳолда адолатли қарор қабул қилиши лозим.

Сунъий интеллект ҳуқуқшуносларнинг имконияти ва хавф чегараларини таҳлил қилиш орқали айтиш мумкинки, ундан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали мисли қўрилмаган натижаларга эришиш мумкин. У туфайли юзага келадиган муаммо ва хавф-хатарлар эса инсонларнинг фойдаланиш даражаси билан бевосита боғлиқ.

Аслини олганда, RoboLawyer каби AI адвокатларни инсон адвокатлар ўрнини эгаллашга эмас, балки уларга имконият бериш учун ёрдамчи таъминот манбаи деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Улар юридик мутахассислар имкониятларини оширадиган, юридик ҳамжамиятни ривожлантирадиган ва хизматларни янада қулай ва шаффоф қилдиган воситалардир. Ушбу технологияни ўзлаштириб, янада самарали ва истиқболли юридик хизматларнинг янги даврини бошлаш мумкин.



RoboLawyer каби AI адвокатлар пайдо бўлиши таҳдид эмас, балки имкониятдир. Бу ҳуқуқшунослар учун ўсиш, ўзгаришлар қилиш фурсатидир. Ушбу инновацион ўзгаришларга мослашиш орқали улар сунъий интеллектни ижобий ўзгаришлар катализаторига айлантириши мумкин.

Рақамли нотариат. Кейинги қадам қандай бўлади?

Яна бир амалиёт — рақамли нотариат. Бугун соҳада замонавий технологияларни янада кенроқ қўллаш ва муаммоларни таҳлил

қилиш, хорижнинг илгор тажрибасини ўрганиш долзарб вазифалар сирасидан.

Мамлакатимизда нотариал хизматлар кўрсатишда киберхавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли дунёда нотариуснинг ижтимоий масъулияти, нотариат соҳасида электрон ҳужжатлар алмашинуви ва рақамли технологияларни қўллаш, масофадан нотариал хизматлар кўрсатиш ҳамда нотариатнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, онлайн нотариал ҳаракатлар амалга оширилувчи “Е-notarius.uz” ахборот тизими жорий этилди. Нотариал ҳаракат расмийлаштириш учун фуқаролардан талаб қилинадиган ҳужжатлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали нотариус томонидан мустақил равишда олиниши йўлга қўйилди. Шунингдек, хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш тўлиқ электрон шаклга ўтказилган. Мерос ишларида меросхўрлар доирасини аниқлаб беришчи “Шаҳара” дастури яратилди.

Энг муҳими, нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик ҳисоблаш тизими ҳамда нотариал ҳаракатларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида тарафларнинг бармоқ изларини сканер қилиш тизими жорий этилди.

Рақамли давлат бошқаруви ва давлат хизматлари трансформацияси

Рақамли технологияларни жорий этиш орқали давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги мулоқот соддалашди. Натижада вақт ва ресурслар тежалмоқда. Энг аввало, фуқароларга кундалик ҳаётда зарур бўлган хизматларни электрон тарзда олиш имконияти, шу жумладан, мобил иловалар ва ягона интерактив порталлар орқали хизматлар тақдим этилмоқда.

Сунъий интеллектнинг давлат бошқаруви ва хизматларига жорий этилиши муносабатларни саралаш, шахсий эҳтиёжларга кўра тавсиялар бериш, хатоларни камайтириш, фуқаролар билан автоматлаштирилган мулоқотни йўлга қўйиш имкониятини берди. Сунъий интеллект асосида хизмат кўрсатиш нафақат тезкорлик, балки хато эҳтимолини камайтириш ва инсон ресурсларини самарали йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Проактив давлат хизматлари, яъни фуқаро муносабат қилмасидан аввал унинг эҳтиёжига мос хизматни автоматик равишда тақдим қилиш концепцияси тақдим этилди. Мазкур ёндашувнинг самарали намуналари сифатида бола туғилганда автоматик равишда туғилганлик ҳақида гувоҳнома, нафақа ва бошқа хизматлар пакети шакллантирилаётганини айтиш мумкин.

Шунингдек, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, киберхавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат фуқаролар ҳақида тўплаётган маълумотларнинг махфийлиги ва улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилиши, сунъий интеллект қарорларининг шаффофлигини таъминлайпти.

Бу борада рақамли идентификация ва биометрик аутентификация ҳам бугунги кунда давлат хизматларининг асосий элементига айланди. Хусусан, QR-кодлар, мобил ID ва биометрик ечимларнинг қонуний асослари, халқаро стандартларга мувофиқлиги ва улар орқали хизмат олиш жараёнидаги қулайликлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, интернет ва рақамли хизматларга кириш имконияти чекланган аҳоли қатламлари учун қатор қулайликлар яратилди. Бу жараёнда рақамли инклюзияни таъминлаш, яъни барча фуқаролар, жумладан, ёшлар, кекса авлод ва чекка ҳудудларда яшаётганларни ҳам рақамли муҳитга тўлиқ жалб қилиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Сунъий интеллект фақат автоматлаштириш воситаси эмас, балки давлат хизматларини шахсийлаштириш, прогноз қилиш ва инсон эҳтиёжларига мослаштиришнинг кучли воситаси. Шу билан бирга, у инсон ҳуқуқлари, ахлоқий меъёрлар ва юридик масъулият нуқтаи назаридан мувозанат

зарурияти ҳисобланади. Бу борадаги ишлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилмоқда ва зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди. Хусусан, Президентнинг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар имзоланди. Стратегияда сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича эришиш лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар белгилан берилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳаларни рақамлаштириш, фуқаролар учун содда, тезкор ва инклюзив ечимларни жорий этиш асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.



Кечаси билан кўзимга уйқу келмади. Хаёлар гирдобиди соат алламахал бўлганини ҳам сезмабман. Ноилож, бир оз тоза ҳаводан нафас олиб келай дея ташқарига йўл олдим. Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида ижарада тураман. Қисқа вақт ичида бу ерлар мен учун худди ўзим туғилиб ўсган Кегейли тумани каби қадрдон бўлиб улгурган. Тунги сайр асносида ижара уйим яқинидаги миллий таомлар кафеси олдида бир зум тўхтаб қолдим. Соат аллақачон ярим тундан ошган бўлса-да, кафе ичи одамлар билан гавжум эди. Ушбу маскан кечаю кундуз ишлайди ва унинг хўрандалари ҳеч қамаймайди. Бу манзарага термиллиб туриб, ўйга толдим: халқимиз барибир ўзлигимизга хос, асрий анъаналар билан сайқал топган миллий таомларни соғинади, уларни севиб истеъмол қилади. Соғинч эса қон-қонимизга сингиб кетган маданий хотиранинг бир кўринишидир.



Мен бугунги кунда ёшларимизнинг “Соғлом маънавий эҳтиёж таомномасида” асосан, хориж санъатига тақлид асосида тайёрланган, енгил-елпи “маданий таомлар” устунлик қилётганидан ташвишдаман. Бу жароён шунчаки дид ўзгариши эмас, балки миллатнинг маънавий имунитети заифлашиб бораётганидан

миллий санъатимизнинг чинакам кадрловчиси қилиб тарбиялаш йўлларини излаб, тинимсиз бош қотирмоқда. Аммо, менимча, бу жуда мураккаб ва осонликча уддаландиган вазифа

Ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтлари орқали “маънавий эҳтиёж”ларини бемалол қондирмоқда. Бу рақамли дунёнинг алгоритмлари эса чуқур мушоҳада, бадий юксакликдан кўра, кўпроқ шов-шувга, ёрқинликка, тезкор реакцияга (лайк ва репостга) асосланади. Натижада санъаткорлар ҳам ижодий изланишдан, мураккаб асарлар яратишдан кўра, ана шу алгоритмларга мос келадиган, тез оммалашадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиб олмоқда.



далолатдир. Ўзим фаолият юритадиган, мамлакатимизнинг етакчи санъат олийгоҳларидан бирида бу масала тез-тез муҳокамамар марказида бўлади. Устозларимиз, соҳанинг забардаст олимлари ёшларни асл ўзлигимиз,

эмас. Негаки, санъат дарахтини биз — ёшлар қандай силкитаётган бўлсак, у ҳам ҳаракатларимизга яраша “мева” бермоқда. Яъни санъатга қандай муносабатда бўлсак, ундан шундай акс садо олмоқдамиз.

Соҳа олимларининг бош ғояси ёшларга санъатни шунчаки вақтичоғлик эмас, балки тарбия воситаси сифатида тавсия этиш, унинг ортига яширинган мазмун ва ундан ҳосил бўладиган ҳис-ҳаяжонни тўғри англашни ўргатишдир. Бироқ бугунги кунда миллий санъатнинг гарбланиши биз кутгандан-да тезроқ содир бўлмоқда. Албатта, ҳеч бир санъат асари абадий ва ўзгармас бўла олмайди, аммо миллий санъатимизнинг негизларини, ўзагини асраб қолиш ҳаётий заруратга айланган. Сабаби, бугунги ёшлар миллий эстрада санъатимизнинг ғала-ғовур, жанр жиҳатдан палла-партиш, мазмунан саз бир даврида тингловчи сифатида шаклланиб қолди. Бунда энди телевидение ёки радиони айбалав деярли бефойда. Чунки ёшлар аллақачон бу анъанавий ахборот воситаларидан узоқлашиб, ўз виртуал олами яратиб улгурган.

Улар ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтлари орқали “маънавий эҳтиёж”ларини бемалол қондирмоқда. Бу рақамли дунёнинг алгоритмлари эса чуқур мушоҳада, бадий юксакликдан кўра, кўпроқ шов-шувга, ёрқинликка, тезкор реакцияга (лайк ва репостга) асосланади. Натижада санъаткорлар ҳам ижодий изланишдан, мураккаб асарлар яратишдан кўра, ана шу алгоритмларга мос келадиган, тез оммалашадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиб олмоқда. Афсуски, кўплаб санъат вакилларимизнинг ижодий парвози “тўйдан пўл топиш” таъбири атрофида келганиб қолаётгани ҳам сир эмас. Қайси халқнинг санъаткори ўз ижодини бозор талабларига, тўйхоналарнинг сазё дидига мосласа, ўша халқнинг санъати руҳсиз ва безавол бўлиб қолиши мумкин. Бундай узлуқсиз салбий ўзгаришлар жамиятда ишонсизлик, иккиланган ва ҳатто

“Миллий санъат энди ривожланмайди”, деган тушунлиқ кайфиятини юзага келтирмоқда. Бу ҳолат менга рус файласуф-шоири Фёдор Тютчевнинг XIX асрадаёқ айтган сўзларини ёдга солади: “Бугунги кунда бузуқликка учраган нарсаси тана эмас, балки руҳдир”. Ҳақиқатан, бутунги енгил-елпи, мазмунсиз, ёт маданиятга тақлид яратилган қўшиқлар ёшларнинг танасига эмас, бевосита руҳиятига, онгига зарба бермоқда. Эстрада — оммавий ва руҳга энг тез таъсир қилувчи санъат. Унинг савияси ва сажиясининг тушиши миллий ўзлиққа путур етказиши, ёшларнинг маънавий имунитетини кескин заифлаштириши аниқ.

Илмий-амалий анжуманларда устозларимиз билан бу мавзуларда кўп суҳбатлашамиз. Яқинда бўлиб ўтган шундай тадбирларнинг бирида Ўзбекистон халқ ҳофизини, профессор Орол Сафаров доманинг айтган танқидий фикрлари амалиётда қўллашга лойиқ илмий хулоса бўлди. Устоз бундай деди: “Афсуски, ўзимизнинг бой ва мазмунли миллий мусиқа-миз телевидение ва радио орқали халқ эшитадиган, дам оладиган пайтларда тарғиб қилинмапти. Аксинча, ёшлар эшитадиган кундузги вақтларда замонавий ҳамда хорижий мусиқаларнинг тинимсиз эфирга узатилиши натижа-сида ёшлар гарбона кадрларга эргашиб қолмоқда”. Демак, сифатли миллий мусиқа ҳам тўғри вақтда, тўғри усулда тарғиб қилинса, унга бўлган талабни шакллантириш мумкин. Агар ёшлар ўз миллий мусиқаларини тингламаса, улар аста-секин ўз илдиэларидан — маданий ва маънавий асосларидан узоқлашиб боради. Бу эса келажакда миллий мусиқа ижрочилари, бастакорлари ва ҳатто биз каби тадқиқотчиларнинг ҳам етишмовчилигига олиб келиши мумкин.

Ҳақиқий санъат асари шахсини маънавий баркамолликка етаклаши керак. У инсонпарварлик ва одамийлик руҳида, шахснинг ижодкорлик қобилияти орқали ривожланади. Лекин тан олиш керакки, тингловчилар ҳам миллий эстрада санъатининг шаклланиши ва ривожига бевосита сабабчи. Санъаткор ўз асарини яратадиган, бироқ у тингловчисиз яшай олмайди. Энг машҳур ижодкор ҳам тингловчиларнинг реакциясини, талабини ҳисобга

олади ва ўз йўналишини шунга қараб белгилайди. Бир неча ўн бетлик илмий маърузани кўпчилик бирдай қабул қилмаслиги, унинг мағзини чақмаслиги мумкин. Лекин бор-йўғи 2-3 дақиқали қўшиқ орқали кўпчиликни бир зумда тингловчига айлантириш мумкин. Чунки қуй ва ижро орқали етказилган ғоя ақлга эмас, тўғридан тўғри ҳиссиётга таъсир этгани учун тез ва самарали қабул қилинади.

Бугунги кунда санъат соҳасида тингловчи маданияти даражасининг пасайиши нафақат ёшлар орасида, балки жамиятнинг барча қатламларида яққол сезилмоқда. Энг ачинарлиси, жамият бу ҳолатга, руҳий таназулга, ахлоққа зид ҳодисаларга аста-секин кўнгиб қолмоқда. Олимларнинг бу ҳолат охир-оқибат маънавий қашшоқликка олиб келиши мумкинлиги ҳақиқатда бонгарига эса деярли жиддий эътибор бермаётган. Агар жамият маънавий қашшоқликка рози бўлиб, унга кўника бошласа, ҳеч қандай ташқи ривожланиш, иқтисодий юксалиш уни бу инқироздан қутқара олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, биз муаммонинг ечимини фақат санъаткорлардан ёки давлат таъкилотларидан изламоғимиз керак. Соғлом маънавий эҳтиёжни жамиятнинг ўзи шакллантирмас ва талаб қилмас экан, миллий эстрадада юксак бадий даражадаги асарлар яратилиши амримаҳол. Санъаткор — ижод маҳсулини яратувчи, халқ эса баҳоловчи ва йўналишни белгилувчи бош кучдир. Биз, тингловчилар, миллий санъатимизда ҳақиқий, бадий дурдоналарнинг яратилишига сабаби бўлишимиз керак. Санъаткорларнинг маънан юксак қўшиқлар яратиши учун, айниқса, биз — ёшлар чуқурроқ мазмунли асарларни талаб қилишимиз керак. Яхши қўшиқлар кўпайиши учун уларни тинглатишимиз, тарғиб қилишимиз, сифатсизларига эса муносабатимизни билдириб, уларни инкор эта олишимиз шарт. Зеро, санъаткор халқ қалбини акс эттирувчи кўзгудир. Қалбдаги эҳтиёж қандай бўлса, санъат ҳам шунга мослашиб, шуни акс эттириваради. Бизнинг вазифамиз ана шу қалб эҳтиёжини юксалтиришдан иборат.

Асилбек ҚОЛҚАНАТОВ,
ЎЗДСМИ таянч докторанти

Бир ўлкаки...

Навоий вилояти ташкил этилганига бир аср тўлмаган бўлса-да, ҳудуднинг ўтмиши қадим, тарихий воқеаларга бой. Қизилқум саҳросининг ер ости бойликлари беҳисоб. Менделеев даврий жадвалидаги барча элементни мужассамлаштирган. Ушбу ҳудуд олтин, кумуш, уран ва бошқа нодир фойдали қазилмалари билан ном қозонган. Бу ернинг тоғларида мармар, гранит, базальт, оҳақтош ва бошқа кўплаб ноёб тошлар мавжуд.

Кармана туманининг жанубидаги Қизил-би тоғ ёнбағирларида жуда мустаҳкам кунжуттошлар ҳам бор. Бу каби тошлар кўпроқ Сангбур дарасида учрайди. Айнан ушбу кунжуттошлардан қадимда теғирмон тоши ясалган. Бутун Сангбурсойнинг ҳар икки томонида ҳам теғирмон тоши қовлаб олинган майдонларни кўриш мумкин.

Навбахор тумани Сармиссой дарасидаги қадимий петроглифлари томоша қилиш қанчалик завқли бўлса, Сангбурсойни ҳам бир бор бориб кўриш кишига ажиб таассурот беради. Сабаби, мазкур ҳудуд бир неча аср илгари юз берган воқеа-ҳодисалардан сўзлайди. “Сангбур” қадимий сўз бўлиб, “санг” — тош, “бур” — синдириш, ажратиш, деган маъноларни билдиради. Тоштарошларнинг қадимий иш услуби ва ҳатто улар ишлатадиган ускуналари намунаси ҳозиргача сақланиб қолган.

Бу ерда қадимда теғирмон тошлари ясаладиган устахоналар бўлган, — дейди тоштарошлар сулоласи вакили Ғаффор Холиқов. — Ушбу масканда минг йиллар аввал кунжуттошлар аниқланган. Жуда мустаҳкам бўлгани учун ҳам улардан теғирмон тоши сифатида фойдаланилган. Бундай теғирмон тошларини ясаш жуда ҳам мураккаб бўлган. Моҳир усталар кунжуттошларга ишлов

ТАРИХИЙ ҚАДАМЖОЛАР САЙЁҲЛИК РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШИШИ МУМКИН. ҚАЧОНКИ...



берган. Бу ерда ясалган маҳсулотлар нафақат Марказий Осиё, балки Россия ва бошқа давлатларга олиб кетилган. Сабаби, мустаҳкам кунжуттош ҳамма ерда ҳам учрамайди. Бундан бир неча аср муқаддам одамлар донни янчиш учун жуда мустаҳкам ва нотекис юзали тош зарурлиги ҳақида ўйлай бошлайди. Кунжуттошларнинг топилиши ҳақида турли ривоятлар бор. Айтишларича, Бухорога кетаётган қарвоннинг бир туваси ҳозирги Сангбур ҳудудида чўккалаб қолган. Туякашлардан бири туя чўккан жойда олтин бўлиши мумкинлигини айтди. Қовланганида ўзига хос, жуда қаттиқ ва ноёб тош чиққан. Ҳар хил майда-катта заррачалардан иборат, мустаҳкам яхлитланган тошлар кейинчалик кунжуттош деб аталган ва теғирмон тоши ясаш учун фойдаланила бошланган.

Сангбур конларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси археолог олимлари ва мутахассислари бир неча бор бу ерга келиб, тадқиқотлар ўтказган. Натижада Сангбур қанъаси милoddан аввалги VII асрга тегишли манзил экани тахмин қилинган. Қалъа Зарафшон водийсига ўттишда чўл томондан қўриқловчи истеҳком вазифасини ўтаган. Сангбур — очик осмон остидаги ҳақиқий музей.

Айни вақтда Сангбур қўргониди ушбу тарихий манзараларнинг барча изи сақланиб қолган. Бу ерда кунжуттош ва ундан ясалган теғирмон тоши намуналарини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан, ушбу тарихий маскандан Навоий вилоятининг яна бир муҳим сайёҳлик иншооти сифатида фойдаланиш имкони бор. Тарихи бир неча асрга

бориб қақалувчи, қадимий сангбурлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи ҳудуд ободонлаштирилиб, сайёҳлар учун зарур қулайлик яратилса, вилоятнинг сайёҳлик салоҳияти ошишига хизмат қилади.

— Ушбу қадимий маскан маҳаллий аҳоли ва хунармандлар учун даромад манбаи бўлган, — дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Зокир Тоғаев. — Бу ердан турли ҳудудларга теғирмон тошлари олиб кетилган. Бир теғирмон тошини ясашга 1-2 ой вақт кетган. Тайёр бўлган тошлар жуда оғирлиги сабаб бу ердан олиб чиқиш ва жойига ўрнатиш учун катта куч керак бўлган. Шундан сангбурчилар, яъни тош кесувчи аждодларимиз жисмоний жиҳатдан ҳам кучли бўлганини англаш мумкин. Биз бу каби тарихий жойларни тўлиқ ўрганишимиз, бори-бори ажадларимиз ҳақидаги ўрганишимиз зарур.

Кармана туманида яна бир қадамжол мавжуд. Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхоннинг отаси Сайид Абдулаҳадхон Кармана атрофида Чармгарчорбоғ, Гулчорбоғ, Боғи олчин, Жарчорбоғ каби бир неча чорбоғ барпо эттирган. Шулардан бутунгача фақат биттаси сақланиб қолган. Бу Кармана туманининг Қўҳнақўрғон маҳалласида, Зарафшон дарёсига яқин ҳудудда жойлашган Мирзачорбоғдир.

Ушбу обида Сайид Абдулаҳадхоннинг ёзги қароғоҳи бўлган. 1900-1905 йилларда барпо этилган, бетакор меъморий услубга эга ушбу сарой нафақат тарихийлиги, балки наққошлик, ганҷкорлик, ёғоч ўймакорлиги санъатининг ўша даврга хос намуналари акс этгани билан ҳам қимматлидир.

Кармана бундай сарой борлигини нафақат сайёҳлар, балки вилоятнинг кўп аҳолиси ҳам билишди. Ачинарлиси, маҳаллий аҳоли тилла излаш мақсадида қаровсиз қароғоҳ-



нинг девор ва ганҷкор нақшларини бузиб ташлаган. Натижада саройнинг олд кириш қисми бутунлай қулаб тушган эди. Шундан сўнг ижтимоий тармоқларда 1900-1905 йилларда барпо этилган мазкур қароғоҳ таъмирталаб аҳволдалиги ҳақида шов-шувли хабарлар тарқалди ва тарихий обида 2020 йилда маданий мерос объектларини реставрация қилиш манзилли дастурига киритилди. 2023 йилда Кармана туманида яшовчи зиёли қатлам ва кенг жамоатчилик ташаббуси билан қароғоҳда таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланган эди.

— Навоий вилояти нафақат санъат ҳудуди, балки осори атиқаларга бой заминдир, — дейди Навоий вилояти “Меҳмон” туризм маркази раҳбари Жонибек Шўҳратов. — Тарих бузиб кўрсатилиши ва бу қароғоҳ тўғрисидаги бўлмағур тахминлар туфайли ушбу қадимий бино йиллар давомида эътиборсиз қолди. Тарихчилар, зиёилар ва фаоллар ушбу ҳудудни тиклаш бўйича кўп тарғиботлар ўтказди. Натижада вилоят таъсисаддлари ва жамоатчилик назорати билан сўнгги икки йилда иншоотнинг том қисминини ёпиш ва бузилиб кетган айвони, яъни қароғоҳ қабулхонасини қайта тиклашга эришилди. Атрофи панжара билан ихота қилинди. Бу ерда ўймакорлик, ганҷкорлик каби ноёб хунармандчилик намуналарининг санъат даражасидаги уйғунлиги муҳассам.

Маълумотларга кўра, ушбу ташландиқ саройдан қишлоқ ҳўжалигидида пиллачилик идораси сифатида фойдаланилган. Карманалик нурунийларнинг таъкидлашича, қароғоҳ

қурилган жойнинг табиати ўзига хос. Ҳудуддаги тоғлар қароғоҳга келувчилар учун соён вазифасини бажарган. Ҳозир ҳам бу ерда узоқ тарихга гувоҳ дараклар бор.

— Ушбу ёдгорлик Вазира Марҳаматининг қарори билан давлат муҳофазасига олинган, — дейди Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси бўлим бошлиғи Бобур Йўлдошев. — Ҳозир ушбу иншоот Маданий мерос агентлигининг реставрация қилинадиган объектлар рўйхатига киритилиб, икки йилдан буён муайян ишлар қилинмоқда. Бунинг учун 2 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ёдгорлик мураккаб ва мукаммал архитектуравий композицияга эга. Девори беш қаватдан иборат. Шу билан бирга, бино ичи ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши учун вакуум, яъни ҳозирги иссиқхоналарда қўлланаётган термос усулидан фойдаланилган. Узоқ йиллар қаровсиз қолган тарихий маскани таъмирлаш ва тиклаш учун вақт ҳамда маблағ талаб этилади. Йиллар давомида эътиборсиз қолган қароғоҳ аслига хос ва мос равишда тўлиқ таъмирланса, Навоий вилоятининг туризм салҳиятини ошишига хизмат қилади. Сабаби, Мирзачорбоғ қароғоҳи Самарқанд ва Бухоро вилоятларини боғлаб турувчи М-37 магистрал яқинида жойлашган. Қоварверса, бу қароғоҳ аждодларимиз илму салоҳиятини янада ёрқин ифода этувчи бебаҳо маданий меросдир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири